30 11 98

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 7 ноябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 86(7082)

Da'vat

Агар сен нимадир бажараётган бўлсанг, яхшилаб бажар. Агар қўлингдан келмаса ёки хоҳламасанг, яхшиси йиғиштириб қўй.

Лев ТОЛСТОЙ

Ibrat

Юртимизда теннис ривожига улкан ҳисса қўшган Сассон Какишури турли даврларда ва турли хаттотлар томонидан нозик дид ва инжа санъат билан кўчирилган Қуръони карим нусхаларини яқинда Имом ал-Бухорий меъморий мажмуасида қурилган кутубхонага ҳадя этди.

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 ноябрь куни АҚШ Давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Б.Олимжоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида» ва «И.О.Бобожоновни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида»ги Фармонлари матбуотда эълон қилинди.**

- **ГФР канцлери Герхард Шрёдер Лондонга қилган ўзининг дастлабки хорижий ташрифи пайтида Буюк Британия Бош вазири Т.Блэр билан кенг кўламдаги масалалар юзасидан музокаралар олиб борди.**

- **БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ливияга қарши эълон қилган жазо чораларини бекор қилмаслигини билдирди.**

- **Германия полицияси МДҲ мамлакатлари муҳожирларини ноқонуний равишда ГФР ҳудудига ўтказиш билан шуғулланаётган жиноий гуруҳни фош этди.**

- **Хитой ва АҚШ махсус махфий хизматлари ҳаракатлари билан Хитойнинг жанубида гиёҳвандлик моддаларини ташиб ўтишни назорат қилувчи яширин электрон станция ўрнатилди.**

ФИЗИКЛАР СУЛОЛАСИ

Тошкент шаҳридаги 150-мактаб физика ўқитувчиси Тўлқин Толиповнинг педагогик фаолиятига бу йил роппа-роса 40 йил тўлди. Яхши орзу-ниятлар билан ўқитувчилик касбининг этагидан тутган Т.Толипов 1958 йили Саз.ПИ (ҳозирги ТДТУ)нинг физик-инженер факультетини тугатибоқ, шу мактабга ишга келди. Ушандан буён ўтган вақт мобайнида эҳ-ҳе қанчалар шогирдларига физика илмидан сабоқ берди. У кишининг касб маҳорати, жонкуярлиги туфайли эса қўллари устоз изидан бориб шу соҳани танлашди. Улардан Зулфия Расулова Тошкент Давлат педагогика университетида физикадан дарс берса, Анвар Иброҳимов Тошкент Давлат университети доценти, Суннат Иброҳимов эса 250-мактабда физика ўқитувчиси. А.Аҳмедов, С.Раҳимов, Д.Мадалиева, М.Мажидовалар айни дамда ТошДУ ва ТДТУда физика соҳасида устоздан олган билимларини камол топтиришяпти.

Фақат шогирдларгина эмас, фарзандлари ҳам Тўлқин аканинг издоши. У кишининг ўғиллари Учқун Толипов, Тошкентдаги 57-лицейда физикадан дарс беради. Қисқаси, моҳир педагог Т.Толипов, айтиш жоиз бўлса, каттагина физиклар мактабининг, физиклар оиласининг йўлбошчиси.

Суратда: олий тоифали ўқитувчи Тўлқин Толипов шогирдлари билан.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИНИНГ КЎПЧИЛИГИ–МУАЛЛИМЛАР

Баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда маҳалланинг ўрни беқиёс. Зеро бола оила, мактаб ва албатта, маҳалла бағрида ўсади, улғаяди, ибрат олади. Маҳалладаги тадбирлар, қабул қилинган одатлар, тўйлар болага ўз таъсирини ўтказади. Маҳалланинг қандай бўлиши эса маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчиларнинг маънавий савияси, даражасига, обрў-эътиборига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан ўтказилган кенгашда ибратли маҳаллалар билан бирга тартибсиз маҳаллалар ҳақида ҳам мисоллар келтирилди. Хулоса шу бўлдики, маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчилари нақадар ҳалол ва обрўли бўлишса, маҳалла ҳам шунга яраша бўлар экан. Демак, биз ноябрь-декабрь ойларида бўладиган маҳалла оқсоқолларининг сайловларини ўтказишда фаол ва онгли иштирок этишимиз зарурдир.

Кўпчилик маҳаллаларда халқ ҳалол, фидойи зиёлилар - муаллимларни сайлайди. Бу бежиз эмас, албатта. Бироқ айрим ўзини «ишбилармон», «тадбиркор» санайдиган бойваччалар, ўзидан бошқани ўйламайдиган раҳбарлар юртнинг бу хизматини ўтайдиган кишиларга паст назар билан қарашади.

Маҳалланинг обрўси бугун яна тикланмоқда. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини маҳаллий органларга аста-секин бериш жиҳатидан масалага қарайдиган бўлсак, бўлажак сайловларнинг аҳамияти англашилади.

Кенгашда сўзга чиққан Олий Мажлис депутатлари Ўткир Ҳошимов, Омон Олимжонов, Эркин Воҳидовлар сайловларнинг аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сайловларга тайёргарлик, номзодлар кўрсатиш, сайлаш тартиблари, умуман ушбу жараённи халққа тушунтириш бўйича «Маърифат» газетаси ҳам ўз режасини тузиб олди.

Дарвоқе, «Маҳалла» жамғармасининг раиси Шуҳрат Жалилов бу борада энг яхши мақола ёзган журналистлар, таҳририятлар учун мукофотлар бўлишини таъкидлади.

Ҳ.ОМОНОВ

Ўқитувчи ёш дафтарига

УММОННИНГ СУВИ ИЛИҚ

Буюк Британия об-ҳаво маълумотлари хизматининг хабарига қараганда, бугунги кунда Ер атмосферасининг ўртача ҳарорати ўтган йилгидан 0,5 даража кўтарилган. Айниқса, Тинч океани тобора исиб бораяпти. Унинг суви бултургидан 6 даража юқори ҳароратдадир.

СИЙРАТНИНГ СИРИ

Россиялик руҳшунос Юрий Горний тажрибалар билан шуни исботладики, шахмат композициясини бир қарашда эслаб қолиш, боғланган кўз билан нишонга аниқ ўқ отиш, мураккаб математик ҳисобларни, мияда амалга ошириш мумкин экан. Булар ҳаммаси инсоннинг руҳий омилларига боғлиқ, деди у.

ТУЗНИНГ ОЗИ – ТОТИМЛИ

Мутахассислар фикрича, организмда натрийнинг ошиб кетиши томирлар торайиши ва қон босимининг кўтарилишига олиб келади. Шунинг учун улар ош тузини камроқ истеъмол қилишни тавсия қилишади.

СУЯК СИНСА – ЕЛИМЛАШАДИ

Америкалик олимлар синган суяклар битиб кетиши учун елимловчи дори яратдилар. Синган жойга тери орқали шприц ёрдамида елимловчи дори киритилади. Ўн дақиқа ўтгач, дори қотади. Моддий жиҳатдан ҳам бу дори анча арзон экан.

Маърифат—дунёни фалокатдан асрайди

2-бет

Экологик тарбия—бугунги кун зарурати

3-бет

«Маърифат» маслаҳатхонаси

3-бет

Мудҳиш хато

4-бет

Obuna — 99

«МАЪРИФАТ»НИНГ МУХЛИСЛАРИ КЎПАЯДИМИ

ЁХУД ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ КАФОЛАТИ КИМДА?

Таълим жонкуярларининг фикрларига кўра, келгуси йил учун «Маърифат» газетаси ўтган йилга нисбатан (60000 нусха эди) ҳам энг кўп обуначи йиғади. Нега деган саволга улар қуйидагича жавоб бермоқдалар.

— «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳаётга татбиқ этила бошланди. Бу жараён жуда кенг ахборот майдони орқалигина самарали амалга оширилиши мумкин. «Маърифат» соф таълим йўналишида чоп этиладиган газета ҳисобланади.

Дастурни амалга ошириш юзасидан чиқарилган фармон, қарорларнинг, меъёрий ҳужжатларнинг аксарияти газетада чоп этилади. Айни кунда уларнинг ижроси бўйича таҳлилий материаллар, янгиликлар берилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан ташкил этилган тажриба-синов майдончалари бўйича янгиликлар, таҳлиллар бериш кейинги йилда ҳам амалга оширилади.

— Бундан ташқари, газетадан Ўзбекистондаги ҳамда дунёдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида хабарлар бериб борилади.

Айни кунлар газета ва журнал таҳририятларининг обуначилар билан учрашадиган даври ҳисобланади. Яқинда Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш Марказий институтида «Халқ таълими» журнали бош муҳаррири Ж. Икромов, «Учитель Узбекистана» газетаси бош муҳаррири А. Долимов ва «Маърифат» газетаси бош муҳаррири билан турли вилоятдан келган тингловчилар учрашуви бўлиб ўтди. Келгусидаги режаларини муҳаррирлар гапириб беришди. Тингловчилар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. «Обуна бўламиз» дейишди, Лекин... бир шарт билан!

Газета ва журналларнинг обуначига етиб бориш кафолатини сўрашди. Муҳаррирлар тартибни тушунтирган бўлишди — газетани етказиш иши билан алоҳида ташкилот шуғулланишини таъкидлашди. «Агар почта ходимлари сизларга совуқ муомалада бўлиб, баҳоналар рўкач қилишса, бизга ёзинглар», дейишди. «Мана, дардимизни қабул қилинглар», дейишди тингловчилар.

— Мен Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги 17-гимназия ўқитувчиси Илтижо Бурхонова бўламан. Шу йил учун «Маърифат»га обуна бўлганман, «квитанция» ҳам бор. Газетанинг бирор сонини ҳам олмадим.

— Мен — Ғ. Ҳасанов Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманиданман. «Преподавание языка и литературы» журналига обуна бўлиб бирор сонини ҳам олганим йўқ.

Яна бир неча кишилар бу гапларни тасдиқлашди. Хўш, ўзингиз ўйлаб кўринг ҳурматли мутасадди ташкилот раҳбарлари! Дейлик, Сиз бир кишига пул бериб буюртма бердингизу лекин улар бажаришмади, сиз нима қиласиз? Суд орқали бўлса-да, ҳаққингизни ажратиб оласиз. Демак, олишни билган одам беришни ҳам унутмаслиги лозим. Ахир, у бировнинг ҳаққи! Мутасадди ташкилотлардан икки мисол асосида жавоб кутамиз. Ахир, обуначилар кафолатини таҳририятдан сўрашмоқда.

Маърифатпарвар

Bir soatlik dars

ФИКР СЎЗНИ АНГЛАШДАН БОШЛАНАДИ

Бошланғич синф ўқувчиларининг онгини, нутқини устиришда она тили фанини чуқур, пухта ўтиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки мактабга илк қадам қўйган бола ўз фаолиятини ёзишни ўрганишдан бошлайди.

Сўз бойликлари қўпайиб, нутқи уса борган сайин уларнинг китоб ўқишга, билим олишга муҳаббати, рағбати кучаяди. Узаро алоқа воситаси бўлмиш тилни билиш, ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш учун асос яратибгина қолмасдан, грамматик билимларни ўзлаштириш ва имловий малакаларни шакллантириш ўқувчиларда ўз фикрини грамматик тўғри, услубий аниқ, мазмунли ифода этиш кўникмасини ҳам шакллантиради.

Бунга эришиш учун эса, аввало, ўқувчиларнинг нутқини янги сўз ва иборалар билан бойитиш, улар мактабга келгунларига қадар фойдаланган сўзларнинг маъносига аниқлик киритиш, ўз фикрларини баён қилишда мақсадга мос сўзлардан фойдаланиш, гапни тўғри тузиш кўникмасини устириш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, бу вазифаларни амалга ошириш йўллари хилма-хил бўлиб, бунда асосан дарсларда фойдаланадиган материаллар мазмундорлиги ва бадиий қиммати катта аҳамият касб этади.

Бажариладиган машқларнинг луғавий таркиби ҳар хил соҳага (мактаб, болалар, оила, ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳаётига) оид сўзларни ўз ичига олиши бунда муҳим роль ўйнайди.

Ўқувчиларнинг нутқини устиришни фақат она тили дарслари билан чегаралаш етарли эмас. Ўз тажрибамдан шу нарсага аминманки, атрофимиздаги воқеа-ҳодисалар ўқувчилар нутқини устиришнинг муҳим манбаи. Масалан, мен мевалар туридан дарсга олиб кираман. Шу мевалар номини ёздириб, ўқувчиларга мевалар, сабзавотлар ҳақида гап тузишни топшираман. Дейлик, «Далада тарвуз пишади», «Боғдан узум уздим» кабилар.

(Давоми 2-бетда)

Munosabat

НИКОҲ ТЎЙХОНАДА ҚАЙД ЭТИЛСА...

Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналарни, маъракаларни ва маросимларни ўтказишдаги дабдабабозликка чек қўйиш тўғрисида»ги Фармони барча қатори биз зиёлиларнинг кўнглидаги гап бўлди.

Фармонда айтилганидек, сохта обрў орттириш, шуҳратпарастлик иллатлари бизнинг ёшларимиз тарбиясига, маънавиятига салбий таъсир кўрсатиб, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Яқинда маҳалламизда бир тўй бўлди... Келин-куёв «ЗАГС»ига «Лимузин», «Мерседес» русумли хориж машиналари ва 12 та бир хил оқ «Волга»лар 3та видеокамераси билан таширф буюрди. Базмида эса мамлакатимизга довруғи кетган қатор санъатқорлар гуруҳи ҳозиру нозир бўлишди. «Наҳотки, оддий оила шундай дабдабали тўйни ўтказа олса?!»- дея мурожаат этдим маҳалла оқсоқолига.

— Ҳа, энди ўғлим қўлидан келса, қандини урсин, — деди оқсоқол бепарвогина.

Халқимиз андишали. Қават-қават уй қурса ҳам, 3-4 кунлаб тўй-ҳашамларни ўтказса ҳам, «Топганинг тўйга буюрсин!» дея фотиҳа бериб кетаверамиз. Ресторанларда минглаб кишиларга ош берадиган, катта-катта тўй қилаётган айрим «ҳотамтой» раҳбаларимизга сичқоннинг ини минг танга бўлди...

Тўй-ҳашамларда, аёлларимизнинг ҳам «ким узар»чилик кайфиятига берилишини айтмайсизми?

«Дадаси, фалончининг тўйида 53 та тоғора бўлибди, бизникида 70 та тоғора бўлиши керак!» дея, беихтиёр эрини ҳам ноқулай аҳволга солиб қўядиган аёллар йўқми?

Оилавий юбилейлар, фарзандларнинг мучал тўйлари, «куда чақирик», «Қиз қўрди», «куёв қўрди» каби маросимларни айтмайсизми? Бундай дабдабабозликлар элимиз, юртимиз анъаналарини, урф-одатларини менсимайдиган айрим мансабпараст кишилар томонидан бўлаётгани сир эмас. Лекин шу ўринда шартли савол туғилади: «Бу нарсаларга чек қўйиш учун Президент Фармони шартмиди?» Маҳаллий ҳокимликлар, ички ишлар бўлими ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, дин пешволари, хотин-қизлар қўмиталари ва барча жамоат ташкилотлари қаерда эди?!

Жилов гўёки қўлимиздан чиқиб кетган эди.

Тўй ва маросимларни тартибга солиш ва ихчам ўтказишда ишчи гуруҳлари тузиш керак, деб ўйлаймиз. Ёшлар никоҳини қайд этиш тўйхонанинг ўзида ўтказилса, нур устига нур бўлур эди. Эзгу қадриятларимиз, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни тиклаш, ҳурмат қилишга қаратилган янги фармондаги вазифаларга биз зиёлилар ҳам камарбастамиз.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорининг биринчи муовини

ХАБАРЛАРИ — МММ

«Tabiat va ma'naviyat ekologiyasi»

Keyingi yillarda Qashqadaryo viloyatida ham «tabiat muhofazasi» ishiga katta e'tibor bilan qaralayotir.

Yaqinda viloyat markazi Qarshi shahrida o'tkazilgan ana shunday anjumanlardan biri «Tabiat va ma'naviyat ekologiyasi» deb nomlandi. Qashqadaryo viloyati xalq ta'limi boshqarmasi, viloyat tabiatni muhofaza qilish qo'mitasi, viloyat «EKOSAN» jamg'armasi bo'limi, viloyat «Ma'naviyat va ma'rifat» bo'limi, viloyat «Oltin meros» jamg'armasi bo'limlarining birgalikdagi tashabbuslari asosida o'tkazilgan ushbu anjumanda o'quvchi yoshlar ishtirok etdilar.

Viloyat yosh tabiatshunoslar markazida ushbu anjuman ishtirokchilarining eng sara ishlaridan maxsus burchak tashkil etishga qaror qilindi.

A. OBIDDINOV

Tashxis markaziga yordam

Marhamat tumani XTB qoshida faoliyat ko'rsatayotgan tashxis markazi asosan 6-yoshli bolalarni maktabga qabul qilishda tibbiy ko'rikdan o'tkazadi. Ularga pedagogik-psixologik tashxis qo'yib, bola imkoniyatlari, qobiliyati, iqtidori va qiziqishlari bilan shug'ullanadi. Tuman hokimiyati bilan XTB rahbariyati tashxis markaziga alohida bino ajratib, ta'mirlab, kompyuterlar bilan jihozlab berdi.

A. ERALIYEV

Maktablarda ma'naviyat kuni

Qo'rg'ontepa tuman xalq ta'limi bo'limi qoshida alohida binoda «Ma'naviyat va ma'rifat» markazi tashkil qilinib, ish boshladi. Markaz tuman XTB muzeyi, «Nuroniy» jamg'armasi bo'limi va test markazi bilan bir binoda joylashgan bo'lib, ular o'zaro hamkorlikda ish olib boradi. Ayni paytda, tuman maktablarining barchasida chorshanba — ma'naviyat kuni deb e'lon qilingan.

Sh. KELDIYEV

ХАБАРЛАРИ — МММ

ФИКР СЎЗНИ АНГЛАШДАН БОШЛАНАДИ

(Боши 1-бетда)

Грамматик билим, саводли ёзиш малакасини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун имлоси талаффузидан фарқланадиган сўзларни болаларга кўпроқ ўргатиш, ўрганилган грамматик билимни эса нутқ ўстириш малакаларини шакллантириш билан боғлаш зарур.

Маълумки, 2-синфда ўқувчилар она тили дарсларида нутқнинг товуш томони, ёзув ва графика соҳасига оид билимларни,- бундан ташқари, сўз туркумларини ўзлаштириш устида ишлай бошлашади. Ўқувчилар аста-секин гап мазмун билдиришини, гап ким ёки нима ҳақида айтилишини ва нималар дейишини, гапда сўзларнинг грамматик жиҳатдан боғланишини тушунишга эришадилар.

Ҳуснихат малакалари, тўғри ёзиш малакалари билан жипс ҳолда шакллантирилади. 2-синфдан бошлаб ўқувчиларга бир чизиқли дафтарга ёзиш ўргатилиши керак. Бу дафтар ҳарфларни бир хил баландликда, ёзувнинг қиялигини тўғри сақлаган ҳолда ҳарфларни, бир-бирига боғлаб ёзиш малакасини шакллантиришда қўл келади.

Умуман, она тилида олиб бориладиган барча машғулотлар тизимини ўқувчиларда шу дарсга бўлган қизиқишни ва муҳаббатни тарбиялайди.

Ҳадича ВАЛИЕВА,
Ғузор шаҳридаги 53-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Tahlil

ТАЖРИБА-СИНОВ МАЙДОНЧАЛАРИДА

Касби туманидаги 2-мактабда биология, меҳнат таълими ва тасвирий санъатдан олиб борилаётган тажриба-синов ишларининг биринчи чораги якунлари юзасидан минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда мазкур мактабда биологиядан, Қарши шаҳридаги 29-мактабда тасвирий санъатдан, Деновда меҳнат таълимидан олиб борилаётган тажриба-синов ишлари ҳақида экспериментатор-ўқитувчилар А. Шаропов, Г. Шукурова ва М. Шоймардоновларнинг ҳисоботлари, тажриба-синов ишларининг раҳбарлари – Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети профессори А. Ғафуров /биология/, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтининг доценти, педагогика фанлари номзоди Х.Давлатовлар /меҳнат таълими/ нинг маърузалари тингланди. Илмий раҳбарлар ва экспериментатор-ўқитувчилар йиғилганларнинг саволларига жавоб беришди.

Дастлабки хулосалар шундан иборат бўлдики, Касби туманидаги 2-мактабда биологиядан утказилаётган тажриба-синов ишлари ёмон эмас.

Тасвирий санъатдан олиб борилаётган тажриба-синов ишларининг илк хулосалари қандай?

Биринчидан, амалдаги дастур билан тажриба-синовга тақдим этилган дастур ўртасида айтарли фарқ йўқ, яъни экспериментда тасвирий санъат таълимининг янгича мазмунини аниқлаш ва белгилаш имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаган.

Иккинчидан, биринчи чорак якунида ҳар бир синф, хусусан, 5-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятлари, бадиий диди, тасвирий саводхонлиги ва умумий ривожланганлик даражалари тўғри баҳоланмаган. Ўзлаштириш ўта мураккаб ва қизиқиш уйғотмайдиган мавзулар берилганлиги амалда намоён бўлди.

Учинчидан, тажриба-синов ишлари тасвирий санъат таълими мазмунини белгилашда маҳаллий компонентга аҳамият бериш лозимлигини кўрсатди.

Тўртинчидан, баҳолашнинг 100 баллик тизими жорий этилиши муносабати билан ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятини баҳолашда қўшимча жиҳатлар устида изланишлар олиб бориш лозимлиги аён бўлди. Синалаётган дастурнинг кўзда тутилган тўрт йўналиши /борлиқни идрок этиш, санъатни идрок этиш, натурага қараб тасвирлаш, композиция/ бўйича бажарилган ишларнинг барча параметрлари – тасвирий саводхонликнинг композиция элементлари, рангшунослик билимлари, тасвирланаётган буюм ва ҳодисаларнинг макон ва фазодаги ўрни, уларнинг шакл-шамойили, тузилиши ва ҳажми, ранг ва ёруғ-соя қонуниятларидан фойдалана билиш, бажарилган ишда ўзига хос тасвирий усулларнинг мавжудлиги, ўқувчилар томонидан ўз «асар»лари мавзуси ва мазмунини ҳимоя қила билишлари инобатга олиниши лозим.

Тажриба-синов ишлари олиб борилаётган мактабларда ўқувчилар дастурда кўзда тутилган барча амалий фаолият турлари билан шуғулланиш имконига эга эмас, яъни бир қатор ўқув ва бадиий материал ҳамда қуролларнинг етишмаслиги тажриба-синов ишларининг бир томонлама олиб борилишига сабаб бўлмоқда. 2-мактабда биологиядан утказилаётган тажриба-синов ишларини ҳам моддий, ҳам методик жиҳатдан тўла таъминлаган туман раҳбарлари тумандаги 10-мактабга ёт кўз билан қарашган. Худди шундай эътирозни 29-ўрта мактабда республика миқёсида ўтказилаётган тажриба-синов ишларининг таъминотига бефарқ қараган Қарши шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Семинар ишига Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ директорининг ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор У. Нишоналиев якун ясади.

А. СУЛАЙМОНОВ,
Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди

Ochiq muloqot

ЎЗИМИЗНИНГ МАШИНАГА НЕ ЕТСИН!

Тараққиёт мезонлари нима билан ўлчанади? Хўш, Хивадан Бухорога томон туяда ёхуд Шаҳрихондан Марғилонга томон велосипедда йўлга чиққан ўтган кунги ёки кечаги йўловчи тасаввурида тараққиёт нима эди?Ишлаб чиқариш суръати ва сифати, кишиларнинг фаровон турмуш тарзини, барча соҳалардаги бир хил ривожланиш тараққиётини белгиловчи мезонлар бўла олади.

Узбекистонда, ҳа-ҳа шу заминда замонавий машиналар ишлаб чиқарила бошланди.Кўз ўнгимиздаги бир кунда ўнлаб янги машиналар конвейерлардан савдога чиқарилаяпти. Асака автомобиль заводида ишлаётган ҳар бир ишчи бир ойда 15-17 минг сўмдан маош олаяпти. Автосервис шахобчаларида ишлаётганлар, ўзимизнинг микроавтобус ва енгил автомашиналарда кишиларга хизмат кўрсатаётган минг - минглаб юртдошларимиз хусусий тадбиркорлик ортидан ўз оилаларини тебратишмоқда.Узбекнинг машинаси ҳали «MIMS» Халқаро автосалонида иштирок этса, ҳали Сибирь ярмаркасидан Олтин медаль билан қайтаяпти, довруғи кун сайин дунёни тутаяпти.Ҳатто, хориждаги ватандошларимиз узларининг «FORD», «TOYOTA», «JIP», «BMW», «VOLVO»ларини сотиб, ғурур билан ўзимизнинг «NEXIA», «TICO» ва «DAMAS»ларимизда юришни афзал кўришмоқда. Яқин кунларда эса Самарқандда автобус ва юк машиналари ишлаб чиқариладиган янги «СамКочавто» қўшма корхонаси иш бошлайди. Буларнинг бари биз юқорида тилга олган тараққиёт мезонлари эмасми?! Буларнинг бари истиқболи порлоқ юртнинг муждаси эмасми?!

Мамлакатимиз журналистларининг «Чойхонаси» — Миллий Матбуот марказида «Узавтосаноат» Давлат уюшмаси раҳбари Қудрат Парпиев ва унинг ўринбосарлари билан оммавий-ахборот воситалари ходимларининг суҳбат мавзуси республикамиз автомобиль саноатининг долзарб масалалари ва истиқболи ҳақида бўлди. Матбуот анжуманида хорижий ва маҳаллий журналистлар юртимизда энг кенжа саноат бўлган автомобилсозлик, унинг қисқа вақтда босиб ўтган зафарли йўли, эришган ютуқларини билиб олдилар.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат» мухбири

Talgin

МАЪРИФАТ ДУНЁНИ ФАЛОКАТДАН АСРАЙДИ

Аввалги «Маърифат – илм ва одоб бирлиги» сарлавҳали мақоламизда маърифат ибтидоси ҳақида сўз юритгандик.

Мен бу ўринда маърифатчилик тарихини бир текисда тасвирлашдан чекиниб, тарихчи сифатида, шоҳларнинг маънавиятга муносабати халқлар ва мамлакатлар тақдирини ҳал этишда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Анушервоннинг: «Худо бирор халққа яхшилик қилмоқчи бўлса, унинг подшоларига билим берар экан», деган фикри маълумдир. Бу фикр Амир Темур давлати тарихида ўз ифодасини топганми?!

Темур тузукларига назар ташлаб, шахсан Амир Темурнинг ўзи билимлар, маърифат ҳақида қандай фикр билдирганлиги, уларни қандай ўринга қўйганлигини билиб оламиз. У ўз фуқароларини 12 табақага бўла туриб, олимларни, қонуншуносларни биринчи тилга олиб, уларни пайғамбар авлодлари ва жамоаларнинг бошлиқлари билан бир қаторда кўрган. Буюк бобомиз ўз фаолиятини таҳлил қилар экан, шундай деб ёзади: **«Мен олимларга, илоҳиётчиларга, файласуфлар ва тарихчиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатдим. Мен уларни ҳурмат қилдим ва эъзозладим».** (Темур тузуклари. Тошкент, 1992, 15-бет).

Уша замонда илм-фан, санъат ва шаҳарсозлик ишлари қандай гуллаб-яшнаганини эслатиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак. Тузуклар Амир Темур ҳуқуқий ва тарихий билимларни чуқур эгаллаганидан далолат беради.

Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳаётига назар ташласак, Ҳусайн Бойқаро давлати кўп жиҳатдан унинг маърифатпарварлиги ва интилишлари туфайли гуллаб-яшнаган. Алишер Навоий хоҳ Ҳиротда, хоҳ Астрободда бўлсин, аввало ободонлаштириш ишларига эътибор қаратган, шифохона, мачиту мадраса, ҳаммом, ариқ қазиш ва кўприклар қурилишида бош бўлган. Амир Кабирнинг (бу номни у 1472 йилда олган эди) кутубхонасида 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввир хизмат қилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий 18 минг динор (Шоҳруҳий динор) маош олар, унинг катта қисмини маърифат ишларига сарф этарди. (Имомназаров М. Алишер Навоий. «Буюк сиймолар, алломалар», 1996, 73-бет).

Бироқ ҳукмдорларнинг билимсизлиги ва жоҳиллиги халқ учун қанчалик қимматга тушгани ҳам тарихдан маълум. Бундай мисолларни Бухоро хонлиги тарихида ҳам кузатиш мумкин. Маърифатпарвар олим Аҳмад Дониш ўзининг «Рисолаи тарихи амирони Мангит» номли асарида бу ҳақида батафсил ёзиб қолдирган (Бу асар қўлёзмаси Узбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Инв. 1987). Мазкур асар ва бошқа манбаларда қайд этилишича, Даниёлдан тортиб Абдулаҳадгача булган Бухоро амирларининг нодонлик ва маърифатсизлиги мамлакатни иқтисодий таназзулга олиб келган, барча ҳокимият тузилмаларида мутаасиблик ва жаҳолатни авж олдирган. Бу ўз навбатида аҳолининг турмушига ҳалокатли таъсир кўрсатган.

Аҳмад Дониш ва унинг издоши бухоролик тарихчи Абдуазим Сомийнинг фикрича, амир Насруллоҳ (1826-1860) даврида бошланган давлатнинг инқирозга учраши ва халқнинг қашшоқлашиши амир Музаффар даврида (1860-1885) кучайди. Амир Абдулаҳад даврида (1885-1910) бузғунчилик Бухорони ниҳоятда қийин аҳволга солиб қўяди. Муаллифлар руслар билан бўлган урушдаги мағлубият учун асосий айбни амир Музаффарга юклайдилар ва бунга Бухоро хонлигининг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қолоқлиги сабаб, деб биладилар.

Умуман олганда, айнан барча соҳалардаги ривожланишнинг жаҳон даражасидан ортда қолганлиги Туркистон, Бухоро ва Хиванинг, қисқаси, бутун минтақанинг Россия мустамлакачилигига қарши тура олмаслигига бош сабаб бўлди. Қолоқлик миллий мустақилликни йўқотишга сабаб бўлганлиги ҳақида кўплаб бошқа мисоллар келтириш мумкин. Тарих айни қолоқлик пайтида бутун-бутун халқларнинг йўқ бўлиб кетганлигига доир яна кўплаб даҳшатли мисолларни билади. Буни тушуниб етган жадидлар маърифат учун курашдилар, нодонликка, билимсизликка, риёкорликка қарши уруш бошладилар. Биз юқорида жадидлар қўйган маърифатчилик масалалари бугунги кунда ҳам долзарб эканлигини тилга олиб ўтган эдик. Бундай ўхшашлик шундан иборатки, 70 йиллдан кўпроқ ҳукм сурган мустабид тузумдан кейин биз таълим тизимини шаклан ва мазмунан тубдан қайта қурмоқламиз. Лекин биз жадидларга қараганда кўпроқ имкониятларга эгамиз. Биз мустақилмиз! Давлатимиз миллий таълимнинг ривожланиши учун шунчаки шароит яратиб, уни дастурлаштириш билан кифояланиб қолгани йўқ. У ваколатли кишиларнинг бу соҳани ривожлантиришда қатнашиш учун махсус маърифий жамоат марказлари ташкил этиб, бунинг учун давлат бюджетидан маблағ ажратмоқда. Республикамиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаб утганидек, «Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир» (Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». «Мулоқот» 1998 йил, 5-сон, 4-бет).

Оммага маърифатни сингдириш олимлар ва ҳар бир зиёли кишининг бурчидир. Шуролар даврида эса маърифатчилик иши четга суриб қўйилди ва мафкуралашган гуманитар фан темир парда ортида ҳаракат қилди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам уша вақтларда мустақиллик ҳақидаги фикр одамларнинг хаёлига ҳам келмаган, собиқ СССРнинг бузилмаслиги ва барқарорлигига ишониш шуро мафкураси томонидан муттасил сингдирилди.

Ёш давлатнинг ўз мустақиллигини асраши ва уни мустаҳкамлашида маънавият ва келажакка ишонч катта аҳамият касб этади. Тарихий билимлар эса маънвиятнинг узаги ҳисобланади ва маънавий тарбия Ватан тарихини ўрганишдан бошланади. Миллий ўзликни англаш Ватан тарихини ўрганиш жараёнида шаклланади ва қарор топади. Бу борада олимлар ўз тадқиқотларини жадаллаштириш билан бирга халқ орасида маърифий тарғибот ишлари билан шуғулланишлари замон талаби. Халқимизнинг билим, маърифат ва фанга бўлган муносабати бажарадиган вазифаларимизни осонлаштиради. Халқимиз билимдон, маълумотли кишиларни, олимларни азалдан чуқур ҳурмат қилади. Халқ орасида олимлар чеккан заҳматни игна билан қудуқ қазишга ўхшатишлари бежиз эмас.

XI асрда яшаган Бадиуззамон ал-Ҳамадоний инсоннинг билим олиш йўлида дуч келадиган қийинчиликлар ва бунинг эвазига эришиладиган ютуқлар ҳақида шундай ёзган эди: *Бегона юртларда юрган вақтимда бир куни бир кишининг бошқа кишидан қандай қилиб билим олганлигини сўрашини эшитиб қолдим. У мазкур саволга қуйидагича жавоб олди:* **«Мен уни излаб-излаб, жуда узоқлардан, овчининг ўқи етмайдиган жойдан топдим: уни ўғирлаб ҳам олиш мумкин эмас. Тушда ҳам кўриб бўлмайди, уни тўр билан ҳам ушлаб бўлмайди, ота-боболардан мерос қилиб ҳам, сахий кишилардан қарзга олиб ҳам бўлмайди. Мен уни чангли сўқмоқлар бўйлаб дарбадар кезиб юриб, тошларга қоқилиб, ғазабланишни тарк этиб, тавккал қилиб юриб, узоқ тунларни бедор ўтказиб саёҳат қилишга бўлган муҳаббатим туфайли, узоқ ўйлаш ва фикримни сарфлаш туфайли топдим. Мен уни топдим, у фақат парвариш қилиш учун – фақат қалбда парвариш қилиш учун яхши бўлиб, ов қилинадиган ҳайвонга ўхшайди, лекин уни камдан-кам ҳолларда тутиб олиш мумкин – уни фақат қалбда тутиб олиш мумкин. У фақат сўз кучи билан алдаб қўлга тушириладиган ва хотира тўрига илинтирадиган қушга ўхшайди. Мен уни қалбимга жо қилиб, кўз олдимга боғлаб қўйдим.**

Мен озиқ-овқатимни сарфладим ва уни қалбимда сақладим. (Унинг аниқлигини) тадқиқотлар ўтказиш йўли билан текширдим ва мулоҳаза юритишда ёзувчилик сари бордим, бунда (илоҳий кучнинг) кўмагида умид қилдим. *Мен шу тариқа узимни лол қолдирган, қалбимга етиб келган ва дилимга жо бўлган сузларни эшитдим.*

Бадиуззамоннинг бу ажойиб сўзлари илм-фанда ва билимларни эгаллашда юксак онглилик орқали ўз манфаатидан воз кечишга ҳам тўғри келишини уқтиради. Ҳақиқатдан ҳам, ўз соҳасида муҳим кашфиётларни рўёбга чиқариш билан банд бўлган ҳақиқий олим ҳам, яхши билим олишни мақсад қилиб қўйган ҳам баъзи вақтларда узларини кўп нарсалардан тийиб, оз нарсага қаноат қилиб яшайдилар.

Чинакам олимнинг ёки зиёлининг маънавий қиёфаси ўзузидан яхши ҳулқ-атвор намунаси бўла олади. Шу маънода биз юқорида номини тилга олиб ўтган буюк Алишер Навоий ёшларга шак-шубҳасиз ёрқин намуна бўлади. Буюк бобомиз ақл-идрокни, яхши ҳулқ-атворни жамиятни соғломлаштириш омили сифатида биринчи ўринга қўйган. У кишининг бу қарашлари кўпинча шуро адабиётшунослиги томонидан танқид остига олинган эди.

Инсон ўз Ватани тарихини билиш баробарида бошқа мамлакатлар ва халқлар тарихидан ҳам воқиф бўлиши керак. Агар у бошқа халқлар тарихи, маданиятини билмаса, уларни ҳурмат қилмаса, маърифатли киши ҳисобланиши мумкинми? Йўқ албатта.

Маърифатлиликнинг яна бир муҳим жиҳати – дин соҳасида кўпроқ билимга эга бўлишдир. Биз бу мақоламизда атай Ислом илоҳиётчилари ва уларнинг асарларига кўпроқ аҳамият бердик, чунки маърифатнинг муҳим қисми дин соҳасида маърифатли бўлишдир, деб ҳисоблаймиз. Динга ишонувчи, лекин Исломнинг маърифат соҳасидаги асосий қоидалари, ислом таълимотининг мазмуни ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлмаган киши том маънодаги маърифатли киши бўла олмайди. Бу соҳада билимсизлик «ваҳҳобийлик» сингари оқимлар таъсирига тушиб қолишга олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, ислом тарихини билиш ёшлар учун ниҳоятда муҳимдир.

Нима учун ҳозирги кунда тарих, узбек халқининг миллий анъаналари, унинг жаҳон тарихи хазинасига кирган мероси, маънавият, оила тўғрисида кўп гапирилмоқда? Ҳатто юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил «Оила йили», деб эълон қилинди. Чунки буларнинг ҳаммаси ёш авлод эгаллаши лозим бўлган яхлит билимнинг таркибий қисмларидир. Бундан ташқари, маълумотли киши ташқи дунё тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлиши, Европа, Америка ва Осиё мамлакатларининг технологик ва маданий ютуқлари билан таниш бўлиши керак.

Маълумки, бола илк сабоқни оиладан олади, шунинг учун ҳам маърифат муаммоси оиладан бошланади, маълумотли кишини тарбиялашга ҳам оилада асос солинади. Агар ота-она газета, журнал, китоб ўқимаса, жамият ишлари билан қизиқмаса, турли енгил-елпи бадиий фильмни томоша қилиш билан чекланса, бу оилада ўсган фарзанд баркамол инсон бўлиб вояга етмайди. Замон талаби даражасида тўлақонли билим олиш (тилларни ўрганиш, компьютерда ишлаш, мутахассисликни эгаллаш) инсоннинг моддий ҳаётини яхшилаш омилидир ва бу ҳол ҳаётда ўз аксини топмоқда. Албатта, бозорда «яхши» пул ишлаш мумкин. Лекин бозорда мол сотаётган йигитчанинг маънавий аҳволи ниҳоятда ачинарлидир, у менинг: қандай ёзувчиларни ёқтирасиз, тарихдан қандай китоблар ўқигансиз, дея берган саволларимга, ҳеч қандай китоб ўқимаганлиги ва ўқимаслигини айтди. Бундай нодонлик нималарга олиб бориши мумкин? Шекспир: «Нодонлик катта куч, у дунёни емириши мумкин», деб ёзган. Лекин нодонликка қарама-қарши булган куч – маърифатдир, у дунёни емирилишдан, фалокатдан сақлайди.

Дилором АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори

Tantana

КЎНГИЛЛИЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

Аввал хабар берганимиздек, Америка Қўшма Штатларидан Жаҳон тинчлик корпуси кўнгиллиларининг навбатдаги 6-гуруҳи (54 нафар муаллим) мамлакатимизга ташриф буюришганди. Улар Гулистон шаҳрида уч ой давомида таълим бериш кўникмаларини ҳосил қилдилар. Бу даврда кўнгиллиларнинг Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарашаётгани маълум бўлди. Айниқса, мутахассисларимиз мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар, таълим соҳасида қабул қилинган қатор ҳужжатлар тўғрисида гапирганларида, очиғи, улар ҳайратланишди. Албатта, кўнгиллилар анъана, удум ва қадриятларимиз ҳамда ҳозирги турмушимиз ҳақида маълум тасаввурга эга бўлганликларини ҳам қайд этишди.

Тўғриси, Америка зиёлилари иқтидорини, лаёқатини намоён этишни хуш кўришади. Масалан, кўнгиллиларнинг айримлари тилимизни тўлиқ бўлмаса-да ўзлаштиришга улгуришибди. Америкалик муаллимлар ўқувчи қалбига фақат тил билан, ширин калом билан кириш мумкин, деб ҳисоблашар экан.

Куни кеча кўнгиллиларнинг республикамиз вилоятлари мактабларига жўнаб кетиш олдидан ўтказилган йиғилишда шу каби хислатларини пайқадик. Йиғилишда улар ўғил-қизларга сифатли таълим беришга тантанали қасамёд қилдилар. Тантана сўнгида кўнгиллиларга Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги совғалари топширилди.

Мухбиримиз
Суратда: қасамёд пайти.
В. КИРИЛЛОВ олган сурат.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Исроил Вазирлар Маҳкамаси фаластинликлар билан эришилган битимни муҳокама қилишга киришган. Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши бир неча бор орқага сурилган бўлиб, Фаластин томонидан 30 жангарини ҳибсга олиниши талаб қилинаётган эди. Ҳозирда Исроил Бош вазири Бенямин Нетаняҳу фаластинликлар томонидан амалга оширилган хавфсизлик ҳораларидан қониққан эканлигини айтмоқда.

* * *

Афғонистондаги Толибон ҳаракати расмийлари АҚШ томонидан саудиялик дисидент Осома Бек Ладен ҳақидаги маълумот учун мукофот белгиланишини терроризмни қўллаб-қувватлаш ҳаракати, деб таърифлаганлар.

«ВВС» билан интервьюда Толибон вакили Мавлавий Мутаваккил АҚШ Бен Ладенга қўйилаётган айбларнинг далилларини келтира олмаган деб айтган. АҚШ давлат департаменти Бен Ладеннинг қўлга туширилишига ёрдам берганлар учун 5 миллион доллар мукофот белгилаган.

* * *

Россия конституцион маҳкамаси Президент Борис Ельцин 3-муддат Президентликка ўз номзодини илгари суришга ҳаққи йўқлиги ҳақида қарор чиқарган.

Лондон,
«ВВС» ўзбек хизмати.

Yangi alifboni o'rganaylik

IMLO VA TALAFFUZ LUG'ATI

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг доценти, филология фанлари номзоди Суннатилла Ризаев бир неча йиллардан бери тил ва нутқ ҳодиса(бирлик)ларини статистик методда тадқиқ этиб келмоқда. Мустақил Республикамизда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг жорий этилиши муносабати билан тилшунос олимнинг «Имло ва талаффуз луғати» («Ўқитувчи», 1998,80-бет) нашрдан чиқди.

«Имло ва талаффуз луғати»да бошланғич синф ўқувчилари нутқида энг кўп ва тез-тез ишлатиладиган икки мингдан зиёд сўз бўлиб, луғатнинг биринчи ва иккинчи устунида сўзларнинг лотинча ва кириллча ёзилиши, учинчи устунида эса талаффузи келтирилган.

— Ҳозирги ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрларини белгилаш, талаффуз қонуниятларини ишлаб чиқиш қанчалик мураккаб ва сермашаққат бўлса, — деб ёзади С. Ризаев, — унинг луғатини яратиш ҳам осон эмас. Туркий тиллар, айниқса, ўзбек тилининг кўп шевалилиги унинг адабий талаффуз луғати яратилишини тақозо этади. Сўзларни тўғри талаффуз эта олишга эришиш эса ўзбек тили талаффуз маданиятини эгаллаш имконини беради.

Мазкур қўлланма ҳозирча кенг оммага тушунарли ва осон бўлиши учун луғатдаги сўзликларнинг кириллча ўзбек ёзувидаги шакли (транслитерацияси) ҳам келтирилиб, улар янги ўзбек алифбоси ҳарфлари сирасида китобхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Қўлланмада сўзларни талаффуз қилишнинг йигирмадан зиёд меъёрлари келтирилганлиги илмий-амалий жиҳатдан қимматлидир. Луғат охирида республикамиздаги энг йирик шаҳарлар ва дарёлар номи илова қилинган.

Китоб ёш ўқувчилар талаффузини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у кенг китобхонлар оммасининг дастлабки имло ва талаффуз маданиятини таъминлашга яқиндан ёрдам беради.

Маҳкам КЎЧҚОРОВ

ШОГИРДЛАРИ ФАХРИ УНИНГ

Ta'lim fidoyilari

Кўп йилдан буён Низомий номидаги ТДПУнинг психология кафедрасига мудирлик қилиб келаётган психология фанлари доктори, профессор Муҳаммад Давлетшин ёш психологлар, аспирантлар ва докторантларга меҳрибон раҳбар, ташқаридан иш олиб борувчиларга беминнат маслаҳатгўйдир. Унинг раҳбарлигида шу давр мобайнида 39 киши психология фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган бўлса, 2 та докторлик диссертациясига маслаҳатчилик қилди.

М.Давлетшиннинг умумий психология, ёшлар психологияси ва педагогик психология курсларининг долзарб муаммолари бўйича ўқиган маърузалари талабалар, халқ таълими ходимлари ва бошқа тингловчилар учун ҳар доим қизиқарли.

Узбекистон Республикаси психологлари ассоциациясининг президенти М.Давлетшин мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари педагоглари олдида таълим ва тарбия психологияси, бошқариш психологияси, психологик хизмат муаммолари бўйича доимий равишда суҳбат ва маърузалар олиб боради.

Профессор ўз изланишларида кўпроқ меҳнат таълими ва касбга йўллаш муаммоларига, техник қизиқиш ва техник қобилиятларни шакллантиришнинг психологик хусусиятларига, республикамиздаги педагогика олий ўқув юртлари ва университетларда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш муаммоларига қаратган.

Сўнгги йилларда устоз илмий қизиқишларини асосан, олий мактабларда психологияни ўқитиш самарадорлигини ошириш ва мактабларда психологик хизматни ташкил қилиш муаммоларига қарата бошлади. Олим томонидан Узбекистон мактабларида психологик хизматларни ташкил қилишни бошқаришнинг шакл ва тузилиши ишлаб чиқилди. У киши ҳозирги замон талабларини назарда тутиб, олий мактабларда психологияни ўқитишнинг янги концепциясини ишлаб чиқди.

М.Давлетшин олий мактабларда психологияни ўқитишда Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашларини ўргатиш ва республика психологларининг илмий тадқиқот ишларида бу бой меросдан фойдаланиш тарафдори бўлиб келаётир.

Устоз томонидан психология фанининг турли масалалари бўйича 196 та илмий иш чоп этилган.

У киши яна Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги психологик фанлар бўйича номзодлик илмий даражасини берадиган ихтисослаштирилган кенгаш раиси вазифасида ишламоқда.

Ёш авлодни тарбиялаш, олий педагогик таълимни ривожлантириш, илмий ва педагогик кадрларни тайёрлаш соҳасида олиб борилган хизматлари учун М.Давлетшин ҳукуматимизнинг кўплаб орден ва медаллари билан тақдирланган. У киши 75 ёшни қаршилаётган бўлишига қарамай, ҳамон тетик, бардам ва ишчан. Биз эса устозга асло чарчаманг, деймиз.

Мунаввара ТЎХТАХЎЖАЕВА,
психология фанлари доктори, профессор

Oila va maktab

ҲАМКОРЛИК ҲИКМАТИ

Аввало ҳар бир ўқитувчи баркамол авлодни вояга етказиш учун мактаб билан оила, жамоатчилик, маҳалла ҳамкорлигини узвий равишда боғлаб олиб бориши керак.

Шундай экан, бола тарбияси авваллари кўпроқ ўқитувчи зиммасига юкланган бўлса, ҳозирги «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддасида «Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари, ёки қонуний вакиллари боланинг Қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт, ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар», дейилган. Ота-онанинг бола тарбиясига, унинг келажагига, билим олиш, ўқиш ўқитиши учун жавобгар шахс эканлиги айнан кўрсатилган. Айрим ёмон тарбияланган болаларни ота-оналари ҳамма айбни мактабга юкламоқчи бўладилар.

Мана бундай тарбиячи ота-оналар албатта эрта-индин зарар кўришларини сезмайдилар. Шу ҳақда «Яхши тарбия қилинган бола келажакда фойдамиз, обрўйимиз, ёмон тарбия қилинган бола келажакда гам-ғуссамиз, кўз ёшимиздир», деган эди улуғ адиб А. Қаҳҳор. Шуни айтиш керакки, бизнинг ота-оналаримиз аввалдан бола тарбиясига сидқидилдан эътибор бериб, боланинг маънавиятли, маърифатли, она Ватанни жони дилдан севиши, камтарин, меҳнатсевар бўлиши учун ҳаракат қилганлар. Боланинг келажагига қайғурган ота-она аввало, ўзи кийиниши, одобахлоқи, маънавияти, билими юзасидан оилага, болага ўрнак бўлиши шарт. Шундагина бола ота-онага эргашади. Ўзига ажойиб хислатларни мужассамлаштиради. Маънавияти, маърифий дунёқараши тўғри шаклланиб боради.

Мактаб ер участкасидан ҳамда бўш хоналарни ижарага бериш йўли билан махсус ҳисобимизга пул туширганмиз. Ҳозиргача 25 минг сўмлик жамғармамиз бор эди. Бу пулларни махсус комиссия иштирокида аълочи, кундалигида энг кўп беш баҳоси бўлган, хати чиройли, туман, вилоят, Республика олимпиадаларида қўрик-танловга қатнашган ўқувчиларга, кам даромадли оилаларнинг фарзандларига бериб бораяпмиз. Бундай тадбирлар билан ўқувчиларни тежамкорлик, тадбиркорлик, айниқса, уларни ўқиш, тўғри тарбия олишга руҳлантирмоқдамиз. Баркамол авлодни тарбиялашда ўқитувчиларимизга яқиндан ёрдам бераётган ота-оналардан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Улар доимо фарзандларининг тарбиясида бошқош. Буларга Й. Қаюмов, С. Тошмуродов, Ш. Сатторов, Ф. Жўраев, Б. Бойматов, О. Умировларни мисол келтиришимиз мумкин. Фахрийлардан Ж. Шокиров, М. Сатторов, Э. Шодиев, П. Кучаров, Ж. Ибрагимов, кабилар мактабга яқиндан ёндошиб, ҳозирги кунда илм олиш, ўз миллий қадрият, урф-одатларимизни чуқурроқ ўрганишга, мустақиллигимиз кенг имкониятлар яратиб бераётганлиги ҳақида маърузалар қилиб турадилар.

М. ЧОРШАНБИЕВ,
Деҳқонобод туманидаги
6-мактаб директори,
Халқ таълими аълочиси



Косонсой тумани Деҳқонобод жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Узун қишлоғида яшаётган ота-оналар хурсандчилигининг чеки йўқ. Сабаби янги ўқув йилидан бошлаб уларнинг фарзандлари 420 ўринли янги, ҳар томонлама қулай шарт-шароитларга эга бўлган мактабда сабоқ олишмоқда.

Суратларда:

1. 48-ўрта мактаб ўқитувчилари Рашида Ваҳобова ва Қундузой Юсуповалар ўзаро фикр алмашишмоқда.

2. Мактабнинг умумий кўриниши.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

???

Мен вилоятимиздаги институтга тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилиндим. Ота-онам шартномада белгиланган маблағнинг бир қисмини тўлашга қурбимиз етади, дейишди. Агар талаба аъло баҳоларга ўқиса, жамоат ишларига фаол қатнашса, тўлов контракт тизимидан озод қилиниб, давлат бюджетига ўтказилиши мумкинми?

Э. Хўжаева
Бухоро
вилояти

!!!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган (№477, 19.08.1998 йил) «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, бундай талабаларга ҳеч қандай имтиёзлар белгиланмаган.

???

Мен 1997 йил октябрь ойида пенсияга чиқиш мақсадида ҳужжатларимни топширган эдим. Ёшим нотўғри бўлиб, ҳужжатларда 1944 йилда туғилган деб, қайд этилган. Архив маълумотномаси ва суд қарорига асосан, 1941 йил 4 декабрда туғилган деб, паспорт олдим. Лекин мени ҳозирда пенсияга чиқаришмаяпти. Мен қўлимдаги паспорт билан пенсияга чиқишга ҳақлиманми?

Абдурасул
Тошбоев
Тошкент вилояти,
Бекобод тумани

!!!

«Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига биноан, ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII-қисм) умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бинобарин, ўқитувчилар ҳамда бошқа педагог ходимлар доимий яшаш жойларидаги ижтимоий таъминот муассасасига мурожаат этадилар. Мазкур ташкилот тақдим этилган ҳужжатлар асосида тегишли миқдорда пенсия тайинлайди.

x x x

Юқоридаги саволларга жавоблар Узбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг мутасадди бошқармалари таҳрири остида берилди.

МУАЛЛИМЛИК — ИНОЯТ

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани, Нишон Мусаев кўчаси, 14-уйда истиқомат қилувчи Мурод ака Илҳомов шундай ҳикоя қилади:

- Бундан 4 йил аввал кенжа қизим Зилола мактабнинг биринчи синфига ўқишга чиққанда Омилахон қўлига борди. Шу йили қизим барча фанларни яхши ўзлаштирди. Энг асосийси, ҳар куни мактабга ошиқар, дарсга кечикмасликка ҳаракат қиларди. Аммо иккинчи йили ўқитувчиси ўзгардию, баҳолар ҳам пасайиб кетди. Назаримда, гоҳо мактабга ҳам боргиси келмасди. Ўқитувчининг ўқитувчидан фарқи борлигини шунда англадим. Омила опа ёш авлодни ўқитиб тарбиялашдек машаққатли, аммо шарафли касб - ўқитувчиликни танлаган. Каттаю кичик маҳаллада ҳам, 271—мактабда ҳам уни бирдек ҳурмат қилишади.

- Ҳар кун дарсга пухта тайёргарлик кўраман-дейди муаллима.

Кўргазмали қўлланмалардан кенг фойдаланаман. Шогирдларимнинг ота-оналари билан тез-тез учрашишга ҳаракат қиламан. Чунки болага ота-она алоҳида эътибор қилмаса, ўқитувчининг меҳнати зое кетаверади. Балки шу сабабдир ўзлаштиришимиз ёмон эмас. Аммо мени ташвишга соладиган нарса, бошланғич таълимни биз муаллимлар қанчадан-қанча меҳнат эвазига болага берамиз. У 4 йил яхши ўқийди. Лекин юқори синфга ўтганда ўзлаштириш пасайиб кетади...

Мактаб ҳам бир оила-да. Оилани эркаксиз бошқариб бўлмаганидек, мактабни ҳам асло уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, уларни мактабга қайтариш йўлларини топиш керак.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

Мавлоно Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий серқирра ижоди ва жозибадор асарлари билан жаҳон адабиётининг Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Саъдий, Данте, Шекспир, Навоий каби сўз санъаткорлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаган. Фузулий уйноқи лирик ғазал, муҳаммас, мураббаълари, маҳзун оҳанглари, «Лайли ва Мажнун» муҳаббат достони, «Шикоятнома», «Бангу Бода», «Анисул-қалб», «Матлаъул-эътиқод», «Ҳадиқад ус-суадо» каби ўнлаб дурдона назмий-насрий асарлари билан шуҳрат қозонди. Унинг ўлмас асарлари Озарбайжон адабиётининг ривожигагина таъсир этиб қолмай, Яқин Шарқ, Марказий Осиё ва туркий тилли халқлар адабиётларининг такомилига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Муҳаммад Сулаймон ўғли 1498 йили Ироқнинг Карбало шаҳрида дунёга келиб, бутун умрини деярли шу ерда ўтказди. Фузулий Озарбайжонда туғилмаган, у ерда яшамаган бўлса-да, ижоди билан озар адабиётининг улкан намоёндалари қаторидан муносиб ўрин олган. Шоирнинг ёшлиги Озарбайжонда шоҳ ва шоир Исмоил Хатойи ҳукмронлик қилган даврларга тўғри келади. Бу даврда озарбайжон тили, адабиёти, маданияти ривожланган эди.

Фузулий мадрасада ўқиб юрган вақтларидан бошлаб, бадиий ижод сирларини ўрганишга киришади. У аввало Озарбайжон адабиётининг Ҳоқоний, Мужрим Байлагони, Низомий, Насимий каби атоқли сўз санъаткорлари асарларини ўқиб ўрганса, кейинроқ бой адабий-бадиий анъанага эга бўлган форс-тожик ва ўзбек адабиётининг Саъдий, Ҳофиз, Атоий, Лутфий, Навоий каби улуғ шоирлари ижодидан баҳраманд бўлди. Айниқса, Лутфий ва Навоий ижодига бўлган қизиқиши алоҳида аҳамиятга молиқдир.

Фузулий ўз устозлари меросидан бадиий ижод сир-синоатларини ўргана бориб, ўзи ҳам шоир сифатида ижодини лирик ғазаллар ёзишдан бошлаган. Ҳар бир шоирнинг қудратини билдириб, шуҳратини орттирадиган ғазал жанрида бебаҳо дурдоналар яратди ва уларни араб, форс ва туркий тилларда мустақил девонлар ҳолда жамлади. Улар бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатлари кутубхоналарида нодир китоблар қаторида сақланиб келинмоқда. Инқилобгача Фузулий асарлари ҳар бир узбекнинг хонадонида Навоий, Бедил, Машраб каби шоирлар асарлари қатори севилиб ўқилган. Ҳозирги кунда ҳам шоир асарлари бирин-кетин нашр этилиб, узбек китобхонларининг маънавий камолотига хизмат қилиб келмоқда. Зеро, Фузулий ўз ижодида ишқий лириканинг абадий барҳаёт — ўлмас намуналарини яратди. Инсон қалбининг бу олижаноб туйғусини ҳассос шоир моҳир сўз санъаткорлари сифатида ошиқларнинг тилидан шундай тараннум қилади:

Сабо аҳёрдин пиҳон, ғамим дилдора изҳор эт,
Хабарсиз ёрими ҳоли харобимдан хабардор эт.

Кўнгил ғам кўпларин танҳо кечурма, иста
бир ҳамдам,
Ажал хобиндан, афғонлар чекуб, Мажнунни бедор эт.

Фузулий севги-муҳаббат руҳидаги шеърлари таркибига замон ва замона аҳлидан нолиш туйғуларини ҳам моҳирлик билан сингдириб юборган. У, айниқса, зоҳидларнинг таъмагирлигини, насиҳат қилиб, ошиқ аҳлини ишқ йўлидан қайтарувчи воиз ва зоҳидларни ҳам қаламга олган:

Муҳаббат лаззатидан бехабардур зоҳиди ғофил,
Фузулий ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

Албатта, бу ўринда Фузулий ижодида суфиёна ишқи илоҳий туйғулари қаламга олиниб, жаннатда Оллоҳ висолига восил бўлинмаса, унинг нима кераги бор, деган фикр ҳам англашилмоғи керак.

Фузулийнинг:

Маҳшар куни кўрам дерам ул сарви қомати,
Гар анда ҳам кўрунмаса, кел кўр қиёмати —

мисраларида ҳам суфиёна фикр орқали қиёматда сарви қомат ёр — Худони кўриш орзусида юрган ошиқ, агар шунда ҳам кўролмаса ана энди ҳақиқий қиёматни кўр деб таъкидлайди.

Шоирнинг «Фалаклар ёнди оҳимдан муродим шамъи ёнмасму?», «Шифойи васли қадрин ҳажр ила бемор уландан сўр», «Ҳосилим барқи ҳаводисдан маломат доғидур», «Ғамзасин севдинг, қунгил, жонинг керакмазму санго?» каби неча ўнлаб ёлқинли мисралар билан бошланган ғазаллари ҳам шеър, ҳам қўшиқ сифатида ўзбек халқининг қалбидан чуқур жой олган.

Ҳофизи Шерозий, Алишер Навоийдек ғазал жанрида юксак даражага эришган Фузулий эпик — достончилик жанрида ҳам ажойиб асарлар яратди. Бу борада унинг «Лайли ва Мажнун» севги достони, шу номдаги кўп достонлар ораси-да алоҳида ўрин тутади.

Атоқли шарқшунос профессор Е. Бертельснинг ёзишича: «Араблар истилоси ва араб маданиятининг «мусулмонлар дунёси» дейилган жойларга тарқалиши бошқа ёдгорликлар қаторида Мажнун тўғрисидаги афсоналарни ҳам Эрон чегарасидан тортиб, то Кавказ ортича халифаликнинг ҳамма ерларига киришига сабаб бўлди».

«Лайли ва Мажнун» достони ўзининг ғоявий проблематикаси, бадиий санъати билан юксак даражадаги эътиборни эгаллади. Шоир достонда XV-XVI асрларда инсон эрки ҳар жиҳатдан чекланган жамиятда ёшларнинг эркин, самимий муҳаббатини, у йўлдаги айрим мутаассиб кучларнинг қаршиликларига собитлик билан курашишини ёркин мисраларда тараннум қилди. Ундаги Лайли ва Мажнун ўз эрки, озодлиги учун курашган ёшларнинг тимсолларидирлар.

Достоннинг шу хилдаги асарлардан фарқли томонларидан бири, унда вақти-вақти билан қаҳрамонлар тилидан мукаммал ғазаллар ва мураббаларнинг ҳам достон таркибига, узукка кўз қўйгандай киритилганидир. Достон қаҳрамонлари – Мажнун ва Лайли тилидан берилган ушбу ғазалларда шоир ўзининг даврон жафоларидан изтироб чекиб, норози эканлигини очиқ-ойдин ифодалайди. Атоқли адабиётшунос Тухтасин Жалолов бу хусусда шундай деб ёзган эди: «Мен «Лайли ва Мажнун»ларни қайта-қайта ўқидим. Шунда Низомий даҳосига қойил қолдим, Хисрав Деҳлавийнинг булбулдек сайрашига офарин дедим, Навоийнинг Мажнунига мотам тутиб йиғладим, Фузулийга келганда, ҳайрат майдан маст бўлдим.

Инсоф билан айттанда, Фузулий «Лайли ва Мажнуни» барча «Лайли ва Мажнун»ларнинг гултожидир».

Фузулийнинг ижодий анъаналари ўзбек адабиётининг Турди, Машраблардан бошлаб Ҳамза Ҳакимзода, аср бошидаги жадид адабиётининг кўпчилик намояндалари ижодида ёркин кўринади. Бу таъсир фақат ташқи қофия вазн, радиф ухшашлигидагина эмас, шоирларнинг ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритишга бўлган муносабатларида ҳам аниқ кўзга ташланади. Бу ҳол, айниқса, тил, ифода воситалари, услубда кўпроқ намоён бўлади. Ғозий, Хон каби шоирлар ўз асарларини озарбайжон тилига яқинлаштириб ёзганлар. Бобораҳим Машрабнинг:

На савдолар боша солдинг, бу савдолар туганмазму?
Ки банд этдинг оёқларни, яна бандлар ёзилмазму?

Матлаъли ғазали билан Фузулийнинг:

Мани жондан ўсондирди, жафодан ёр ўсонмозми?
Фалаклар ёнди оҳимдан, муродим шамъи ёнмазми —

мисралар билан бошланувчи ғазаллари ғоявий-бадиий жиҳатдан ҳамоҳангдир.

Шунингдек, Фузулийнинг:

Дўст — бепарво, фалак — бераҳим, даврон — бесупун,
Дард—чўх, ҳамдард—йўҳ, душман қавий, толъе забун

мисраларини ўз ичига олган ғазалидаги даврондан шикоят, нолиш мотивлари Нишотий, Мунис каби шоирларда ҳам шунга яқин оҳанг ва руҳдаги ғазалларнинг юзага келишига туртки бўлган.

Узбек ва озарбайжон халқларининг адабий-маданий ҳамкорлик илдизларини ўрганиб, бугунги кунда халқларимиз орасидаги азалий дўстликнинг тобора мустаҳкамланиб боришига хизмат қилдиришимиз керак. Зеро, замонамизнинг забардаст шоирларидан марҳум академик Ғафур Ғулом «Қирқ ёшли Озарбайжон» сарлавҳали шеърида икки қардош халқлар ўртасида давом этиб келаётган адабий-маданий ҳамкорликни шундай ифодалаган:

Озарбайжон халқининг кўркам шеъри, санъати,
Жуда қадим-қадимдан дўстларга ёддош.

Отахон Низомийнинг сўздаги маҳорати
Шарқдаги кўп шоирнинг ижодига кўмакдош.

Бизлар яхши ўқиймиз Фузулий, Видодини,
Асримиз классиги Самад Вурғун шеърини.

Ҳасанхўжа МУҲАММАДХЎЖА ўғли,
филология фанлари номзоди,
доцент.

«ЗАВҚИ ИШҚИ ВОР ЎЛАНДАН СЎР»

ФУЗУЛИЙ ИЖОДИДАН БИР САБОҚ

Ekologiya ta'limi muammolari

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ — БУГУНГИ КУН ЗАРУРАТИ

Экологик таълим, маданият ёшларимизга оилада, боғчада, мактабда мунтазам бериб борилмоғи керак. Бу ишни амалга оширишда эса ҳозирда мавжуд бўлган қўшимча таълим-тарбия муассасалари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуи директори Эшбой ТУРДИҚУЛОВ билан жамоатчи мухбиримиз мусоҳабаси бу каби муассасаларнинг бугунги таълимда тутган ўрни хусусида бўлди.

- Мажмуани ташкил этишдан мақсад нималардан иборат ва унинг олдига қандай вазифалар қўйилган?

- Маълумки, ҳозирги кунга келиб экология масалалари долзарб муаммолар қаторига киради. Ҳақиқатан ҳам, инсон кўп асрлик фаолияти давомида табиатни чексиз, унинг бойликларини эса битмас-туганмас деб Ер бағридан катта иқтисодий фойда олишга ҳаракат қилиб, атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказди. Бунинг оқибатида табиат бойликлари тугаб, унинг табиий ҳолати ўзгариб, табиат билан инсон орасидаги мувозанат бузилди.

Юзага келган экологик муаммоларни бартараф этиш учун унинг барча тизимларини комплекс равишда, ҳамма қирраларини қамраб олган ҳолда ўрганиш лозим. Бунга илмий, иқтисодий, сиёсий, техникавий, тиббий, ҳуқуқий, фалсафий, эстетика, педагогика ва бошқа соҳалар киради. Улар орасида педагогик йўналиш энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Кишиларга, айниқса ёшларга экологик таълим-тарбия бериш, уларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш - долзарб экология муаммоларидан саналади. Ана шу муаммони ечиш мақсадида 1995 йилнинг август ойида республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси ташкил этилди.

Мажмуанинг ташкил этишдан кўзланган мақсад экология соҳасида ишлайдиган ўқитувчи ва тўгарак раҳбарларининг иш тажрибаларини ўрганиб, оммалаштириш, вилоятлардаги экология, табиатшунослар марказларининг иш фаолиятларини мувофиқлаштириш, уларни дастур, методик қўлланмалар билан таъминлаш, узлуксиз экологик таълим-тарбияни йўлга қўйиш, турли хил анжуманлар ўтказишдан иборат.

Ҳозир мажмуанинг кўплаб шаҳобчалари бўлиб, уларга мактаб ўқувчи-ёшлари, мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчилар жалб этилган.

- Тилимиздан «экология маданияти», «инсон экологияси» каби атамалар тобора чуқурроқ ўрин олмоқда. Сизнинг-ча бу атамаларни қандай шарҳлаш мумкин?

- Кейинги йилларда экологик таълим-тарбия масаласини ҳал этиш ғояси вужудга келди. Бу ғоянинг замирида боғча болаларига, ўқувчи-ёшларга, талабаларга берилиши лозим бўлган, табиат билан инсон ўртасидаги муносабатни ифодаловчи экологик билимлар тизими ётади.. Мазкур билимлар тизимини эгаллаш - «экология маданияти»ни эгаллашга, истиқболда эса «инсон экология»сини ижобий ҳал этишга олиб келади. Бу борада, айниқса, ўқувчи-ёшларга, мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчиларга экология таълим-тарбияни беришни йўлга қўйиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда «Экология давлат таълими стандарти» ишлаб чиқилди. Унда дарсда, дарсдан ташқари машғулотларда экология таълим-тарбиясини амалга ошириш йўналишлари белгилаб берилган.

Олимларимизнинг аниқлашича, бола икки ёшдан эътиборан яхши-ёмонни фарқлай бошлайди. Уч ёшдан бошлаб боланинг ақли тараққий этади. Тўрт ёшга етганда ақл мустаҳкамланиб, одамнинг иккинчи табиатига айланади. Ақлий қобилият умумий ривожланишининг тенг ярми инсонда унинг 3-4 ёшида, 30 фоизи 4-8 ёшида, 20 фоизи 8-17 ёшида рўёбга чиқади. Инсон учун зарур бўлган ҳаётий билим манбаи асосан 4-17 ёшида эгалланади. Шунинг учун ҳам ана шу давр ўртасида узлуксиз экология таълим-тарбияси тизими амалга оширилиши ғоят муҳимдир. Экология таълим-тарбияси тузилмаси қуйидагича бўлади: оила - боғча - умумтаълим мактаби - лицей - коллеж - олий таълим - ўқитувчиларни қайта тайёрлаш тизими.

Экологик таълим-тарбиянинг узлуксиз тизимини амалга ошириш учун, аввало, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларнинг барча курслари дастурларида экологик таълим-тарбияга кенг ўрин берилиши керак. Бундан ташқари ўқувчи-ёшлар ўчун экологиядан умумлашган курс, тавсияномалар, дастурлар, ўқув қўлланмалари яратилиши лозим. Олийгоҳ талабаларига умумлашган экологик таълим-тарбия бериш зарур. Ана шу масалалар тўғри ҳал этилса, табиатга нисбатан онгли муносабатда бўладиган комил инсонлар ўсиб-улғаяди.

- Республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси жамоасининг фаолияти ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

- «БИОЭКОСАН» мажмуаси асосан ўқувчи-ёшларга экологик таълим-тарбия бериш орқали уларда экологик маданиятни шакллантиришга даъват этилган. Экологиядан дастурлар тизимини яратдик, методик тавсия, методик қўлланмалар ишлаб чоп этилди. Эксперимент тариқасида «боғча-мактаб» мажмуаси ташкил этилди. Ҳозир унда 50 га яқин тўгарак, клуб, жамоалар бўлиб, уларга икки мингга яқин ўқувчи-ёшлар фаол иштирок этмоқда. Вилоятларда сиртқи тўгараклар очганмиз. Тўгарак аъзолари табиат илмини қунт билан ўрганиб, амалий машғулотларда ўз билимларини синовдан ўтказмоқдалар. Мажмуамизда экология илмий таълим тадқиқот лабораторияси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Мажмуамизда ёш гулчилар, ёш балиқчилар, табиатшунослар, биологлар, экологлар, экология мавзуида ёзадиган қаламкашлар, ҳуқуқшунослар, эколог-санитарлар тўгараклари яхши фаолият кўрсатмоқда.

- Мажмуангизда узлуксиз экология таълим-тарбияси тизимини муваффақиятли амалга ошириш учун яна нималарга эътибор берилмоқда?

- Узлуксиз экологик таълим-тарбияни муваффақиятли амалга ошириш бўйича «Боғча-мактаб» мажмуасини ташкил этдик. Юнусобод туманидаги 499-боғча, 288-мактаб, Акмал Икромов туманидаги 396-боғча, 81-мактаб тизимларида олиб борилаётган синов тажрибалар ўзининг яхши натижасини бермоқда. Тажрибалар натижаларига қараб «Боғча-мактаб» узлуксиз экология таълим-тарбияси тизими вилоятларда ҳам ташкил этилади. Бу йил ана шундай тизим Қорақалпоғистон Республикасидаги бир қанча туманларда ташкил этилди. Оила, жамоа, маҳалла, корхоналар билан ҳамкорликни ўрнатиб, улар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш режалаштирилган.

- Ўтказадиган анжуманларингизга, чоп этаётган дастур, методик қўлланмаларингизга кимлар ҳомийлик қилади?

- Ҳозирча Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, холос.

- Келажакдаги режаларингиз?

1999 йилда «Узлуксиз экологик таълим муаммолари ва уларнинг ечимлари»га бағишланган ҳалқаро анжуман ўтказишни режалаштирганмиз.

Жаҳон миқёсида «Ёш экологлар» клубини очиш ниятимиз бор. Истагимиз, орзуимиз кўп, аммо имкониятимиз кам, бизга моддий ёрдам берадиган ҳомий керак.

Келгуси йилларда қилиниши лозим бўлган ишлар бир талай. Истиқлолимиз музаффар қадам ташлаётган мустақил республикамизда узлуксиз экологик таълим-тарбия маркази сув билан ҳаводек зарур. Бундан ташқари, кадрлар масаласини ҳал этиш учун замон ва давр талабларига жавоб берадиган дарслик ва ўқув қўлланмаларини зудлик билан яратиш ҳам диққат-марказимизда бўлиши керак.

Энг муҳими, табиатни севадиган, уни ҳимоя қиладиган жонкуяр ёшларни излаб топиб, уларга кўмаклашишдир. Экологик таълим-тарбия муаммолари билан шуғулланадиган ҳақиқий олим, методистларнинг иш фаолиятини мувофиқлаштириш зарур.

А.АМИНОВ
суҳбатлашди



Олимжон Бўриев улуғ аждодларимиз тимсолини ўзида мужассам этган «Замахшарийнома», «Амир Темур», «Мирзо Улуғбек», «Пири тариқат ва Мири ҳақиқат», «Муҳаммад Пайғамбар», «Имом ал-Бухорий», «Аҳмад ал-Фарғоний» асарларини истиқлол шарофати билан ўзбек китобхонларига армуғон этди. Қуйида шоир яқинда ёзиб тугатган «Жалолиддин жасорати» достонидан бир парча эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Жалолиддин Мангуберди ва Темурмаликнинг бирга курашгани баёни

Мўғуллар Хўжандга ўқталишиб тиғ,
Бўлди қиёматлари бу ерда аччиғ,
Темур Малик қилиб арслон каби жанг,
Ғанимлар ҳолини этди жуда танг!
Урганиб қолганда ёв найза тираб,
Кутилмаган чоғда қолди довдираб,
Бир кичик оролда мўғулларни бас,
Ураб олиб қилди барини абас!
Чингизхонга етиб кейин бу хабар,
Кўзига қон тўлиб ваҳший шери нар,
Ташлади кучини ун бора ортиқ,
Хўжандга ўқталди эллик мингта тиг!
Темур Малик эди тенги йўқ шаҳбоз,
Бор-йўғи илгида бўлиб минг сарбоз,
Ақли бор одамга эрур бу аён,
Душманга етмасди кучи ҳеч қачон.
Лекин ўтиб олиб «Чумчуқоролга»,
Душманни киришни тугиб хаёлга!
Тунлар мўғулларга солиб шабохун,
Иложин топгунча оқизарди хун.
Оролга ўтолмай мўғуллар ҳайрон,
Қайтарди соҳилдан бўлиб тирборон!
Мўғуллар қидириб чора, имконлар,
Дарёга ташлатиб тамба, тўғонлар,
Меҳнат қилишарди ҳориб уззу-кун,
Темур Малик эса бўлганида тун,
Қайиқларда келиб ташларди бузиб,
Ҳам сувда балиқдек юрарди сузиб.
Дер эдинг дарёнинг шеру айиғи,
Унинг етмиштача бўлиб қайиғи,
Охири оролда туролмай узоқ,
Чекинди юртини ташлаб бағри доғ.
Орол денгизига етиб Сайхундан,
Сўнг юриб соҳили гўзал Жайхундан,
Бардош бериб азоб, машаққат, ранжга,
Охир етиб борди шаҳри Урганжга!
Жалолиддин билан қушилиб бирга,
Шукроналар айтиб бахтли тақдирга.
Жўчига қарши у юриб музаффар,
Сайхуннинг бўйида қозониб зафар,
Янгикент шаҳрини қайтариб олгай,
Мўғулларга даҳшат, ғалаён солгай.
Йиғиб Жалолиддин етмиш минг навкар,
Ҳазардан то Урганч шаҳрига қадар,
Бўлган сарзаминни айлаб ҳимоя,
Дилида уйғониб энг буюк ғоя,
Ё сақлаб қолажак она Ватанни,
Ё бергай енгилмай жон ила танни!
Оға-инилари, дўсту сарбози,
Шайхул Ислом ила урганчлик қози,
Ундаги бор барча аҳли маърифат,
Кимни этган бўлса иймонли рифъат,
Нажмиддин Куброю неча уламо,
Мўғулга бўлмаслик учун мубтало,
Даъват этиб элни узоқ-яқинга,
Қушилинглар дейди Жалолиддинга!
Хоин Жанд ноиби қипчоқ Қутлуғхон,
Урганч қўшунига эди қумондон.
Турконхотин билан тилни қилиб бир,
Хиёнат йўлига ўтди ул охир.
Фитна уюштиргач зимдан у малъун,
Жалолиддин сезиб буни бағри хун,
Темур Малик ила ўтказиб кенгаш,
Уч юз навкар ила сўнг бўлиб дилғаш,
Йил бир минг икки юз йигирма бирда,
Эрта қиш афсуслар тақдирга,
Урганчни тарк этиб Рубъи маскунда,
Нисога етади ун олти кунда.
«Хоразмшоҳ ўғли беҳисоб лашкар,
Йиғди», — деб Чингизга етади хабар.
У дарҳол фурсатни қўлдан бермай бой,
Фарзандлари Жўчи, Чиғатой, Ўқтой
Уч ваҳший арслонни айлаб қумондон,
Бериб ҳар бирига юз мингдан қоплон,
Юборди Хоразм мулки томонга,
Ваҳшийлар мириқиб то тўйса қонга!
Хуросон томондан бориб мўғуллар,
Уларга қўшилиб жангари қуллар,
Рақиблар қочмасин дея ҳар тараф,
Бордилар бўлиниб беҳисоб саф-саф!
Улардан мингтаси йўлда келиб дуч,
Жалолиддин билан синашдилар куч!
Темур Малик ила икки паҳлавон,
Ҳам уч юз сарбози бўлиб жонба-жон,
Мардонавор ғазот жангига кириб,
Салкам минг мўғулни ташлашди қириб.
Юздан кам элликдан ортиқроқ душман,
Қочишди ортига сўнг қарамасдан.
Жалолиддин эса йўл босиб довқур,
Нисонинг йўлидан бориб Нишопур,
Ундан сўнг Ғазнага етиб диловар,
Ғанимларга қарши тўплайди лашкар.
Урганчга мўғуллар келишин билиб,
Узлукшоҳ, Оқшоҳлар қочиб шошилиб,
Нисо яқинида улар бенуфуз,
Мўғул лашкарига келиб юзма-юз,
Хоразм шоҳининг икки фарзанди,
Турконнинг севимли жигарпайванди,
Узлукшоҳ укаси Оқшоҳи билан,—
Ҳасрату аламу ғам оҳи билан,
Ғанимларга қарши курашиб бебоқ,
Лашкари енгилиб, бўлишиб ҳалок,
Сўниб бу дунёда ҳаёт қуёши,
Кесилиб ҳар икки шаҳзода боши,
Найзага санчишни Ўқтой буюрган,
Мўғуллар анча пайт кўтариб юрган.
Хоразм давлатин маркази Урганч,
Гўзал жаннатмакон ҳам эди пурганж.
Турконхотин ислаб чораю тадбир,
Уни ташлаб кетди қурқувдан охир!

Олимжон БЎРИЕВ

1998 yil – Oila yili

«ҲАЛОЛЛИК ШИОРИМ БЎЛДИ!»

дейди 100 ёшга кирган отахон

20-йиллар ўзбек зиёлиларининг вакили Абдумажит ота Раззоқов табаррук ёш –100 билан юзлашдилар. Шу муносабат билан яқинда у кишини шогирдлар, қариндош-уруғлар, маҳалла-қўй табриклади, дуоларини олишди. Отанинг тиллари ҳамон бийрон. Ширин суҳбат қуришга ишқибоз. Кекса зиёлиларга хос хушчақчақ.

Абдумажит ота аввал эски мактабда, кейинчалик мадрасада таълим олди. У ўқитувчилик курсини, кейин институтни тамомлаб, 60 йил ўқитувчилик қилди. У кишининг изи қаерларда қолмади дейсиз?

1932 йилдан 1973 йилгача Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида тил-адабиёт ўқитувчиси, тайёрлов бўлимининг декани, касаба уюшмаси қўмитасининг раиси лавозимларида ишлади. Тўғрисини айтганда, бу институтга унинг меҳнати сингди. Институт эса уни ўзбек зиёлиси қилиб шакллантирди.

Абдумажит Раззоқов институтда ишлаган йилларида ажойиб инсонлар, буюк зотлар билан ҳамкору ҳамнафас бўлди. Академиклар Муҳаммад Урозбоев, Мақсуда Ҳожинова, профессорлардан Камолхон Мансуров, Ғаффор Жабборов, институт ректорларидан Аминжон Иноятов, Зикрилла Абдуллаевларга шогирд тутинди. Академиклик даражасига етганларида ҳам уларнинг оддий ва камтар бўлишлари ёш ўқитувчини лол қолдирарди. Айниқса кимёгар олим Абдураҳмон Алимовни кўп мутаассир бўлиб эслайди. Кимё фанининг пири бўлган бу инсон қомусий илмларни ҳам сув қилиб ичган, қайси мавзуда сўзламасин, албатта, донолар бисотига мурожаат қилар, пурҳикмат фикрларни ўртага ташлар эди, дейди Абдумажит ота.

— Мен институтда ишлаб юрган кезларимда талабаю ўқитувчиларни турли қурилишларга сафарбар қилишарди, — деб эслайди отахон. — Ёдимда, 1939 йили Қатта Фарғона каналида, 1940 йили Шимолий Тошкент канали қурилишида, 1942 йили Тошкент яқинидаги Салор ГЭСи қурилишига талабалар ва ўқитувчилар ишлаш учун олиб кетилганди. Ушанда мени кўпчиликка бош қилиб қўйишганди. 20-30-йиллар... Шўролар тузуми даврида зиёлилар учун турли тўсиқлар мавжуд эди. Қулоқларни синф сифатида тугатиш, аёлларнинг озодлиги учун «Ҳужум» маросимини ўтказиш жуда қимматга тушди. Минглаб ишбилармон деҳқонлар Узбекистондан Украинага, Тожикистонга, Сибирга бадарға қилинди. Яқинда радиодан қизиқ бир лавҳани эшиттиришди. «Узбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида боғроғлар 7 баравар камайиб кетган. Аҳоли сони эса, аксинча, уч баравар ўсган».

Абдумажит Раззоқов ўша йилларнинг, ўша воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Бадавлат хонадон фарзанди бўлганлиги учун ҳам унга осон бўлган эмас. Аммо қалби маърифат нурига тўлиқ бу инсон ҳеч қачон тушкунликка тушмади. 20-йилларда Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Хўжа Аҳрор Валий, Абу Саид Барака ва шу каби дин пешволарининг буюк меросини йўққа чиқармоқчи бўлишганида, Абдумажид Раззоқов ҳам минглаб ўзбек зиёлилари қатори улар меросининг қачондир халқимизга қайтарилишига умид боғлаган эди. Шукрки, эндиликда бу қадриятлар халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Юз ёш билан дийдорлашган Абдумажид ота баркамол оила бошлиғи. Отахоннинг уч ўғли, икки қизи бор. Қизлари Мунаввархон ўқитувчи, Фаридахон иқтисодчи. Улар ҳозир нафақада. Ўғиллари Эркин, Искандар фан номзодлари, Рустамжон фан доктори. От изини тойлар босди. Ун беш нафар набира, ун тўрт эвара, уч чевараси бўлган бу отахон ҳар дам иззат-икромда.

Қуръони Карим тиловати, ҳадислар тавсифи, ислом тарихи, тасаввуф адабиёти билан шуғулланишни канда қилмаётган отахоннинг юзларидан нур ёғилади. Узоқ умр кўришнинг сирини у киши шундай шарҳлайди:

— Ҳалоллик шиорим бўлди! Ёлғон-яшиқдан бутун умр ҳазар қилдим. Жаҳл ва ғазаб билан дўстлашмадим.

Нима ҳам дердик, узоқ йиллар яшаш - аслида бахт. Бу ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Қаҳрамонимиз – бир хонадоннинг нуроний кишиси. Тилагимиз, у кишининг умрига умр қўшилаверсин. Зеро, «Қариси бор уйнинг, париси бор».

Козим УМАРОВ

Xullas...

УЛКАН КУНГАБОҚАР

Кунгабоқар ўсимлигини биласиз, қуёш нурига улгудек ўч, бўй деганини-ку, қўяверасиз. Офтоб қаёққа оғса, кунгабоқар ҳам секингина унга қараб «жилмаяди».

Литванинг Варенск туманида 4,5 метрлик қуёшсевар ўсимлик етиштирилди. «Фактум» агентлиги мамлакат рекорд ютуқлари ҳақидаги китобга бу кунгабоқарни ҳеч иккиланмасдан киритиб қўйди.

Айтганча, бу кунгабоқарнинг «муаллифи» оддий боғбон Урбонавичендир.

МЕҲРУ МУРУВВАТГА ЖАФО

«Ит қопмас, от тепмас дема» деган гап бор. Бу ақида харьковлик Н.исмли 50 ёшлардаги бир киши ҳаёти мисолида ўз исботини топди. У кечқурун ити билан сайрга чиқди. Ит эгаси ўз «ҳамроҳ«ини уришишга ўргатмоқчи эди. Атрофда ҳеч зоғ йўқ. Жонивор эгасининг хатти-ҳаракатларига мос равишда унга ташланиб, «кураша» бошлади. «Жанг»да шўрлик итбоқарнинг ўзини ҳимоя қилишга уринишлари зое кетди. Ит «ғолиб» чиқиб, эгаси ерга йиқилди.

Жониворни оқ ювиб, оқ тараган эгаси уликми, тирик қолдими, худо билади. Ҳаётда нималар бўлмайди?..

ҲАММА ОМОН ҚОЛДИ

Юта штати автомобиль йўлида машиналарнинг қулоқни қоматга келтирувчи шовқини, ҳайдовчиларнинг бақириб-чақиришлари эшитиларди. Йўл назоратчиларининг ҳуштакбозликларини айтмайсизми?

Талотўп йўл ўртасида пайдо бўлган чўчқа боласини босиб кетмаслик учун бошланган эди. Ниҳоят, шовқин-суронга бир хоним нуқта қўйди. У машинасидан отилиб чиқиб, қуриб кетгур чўчқани машинанинг орқа ўриндиғига ўтказиб қўйди.

Қизиғи шундаки, чўчқачанинг эгаси чиқмади. Афсуски, жониворнинг орқа оёқларидан бири қаттиқ шикаст ебди. Хоним унинг қорнини туйғазиб, бошпана қилиб берди.

«Қоидабузар»ни йўқотган эгаси не кўйга тушгандир-а? Муҳими бу эмас, йўлда фожиа рўй бермаганига шукр!

ana shunaqa gaplar...

Sport

ҚУРУҚ ҚАЙТИШМАДИ

Сеул шаҳрида академик эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақаларда иштирок этган 16 кишидан иборат спортчиларимиз юксак маҳоратга эга эканликларини кўрсатиб, 2 та олтин ва 4 та бронза медалини олиб қайтишди.

СУПЕРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Голландиянинг Тилбург шаҳрида шахмат бўйича жаҳоннинг энг кучли гроссмейстерлари иштирокидаги супертурнир давом этаяпти. Турнир пешқадамлигини ҳозирча 8 имкониятдан 6 очко тўплаган ҳиндистонлик Вишванатан Ананд бошқармоқда.

ХОТИРА ТУРНИРИДА

Тошкент шаҳрида генерал Собир Раҳимов хотираси учун юнонрум кураши бўйича 24-халқаро турнир ўтказилди. Унда 200 дан ортиқ спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришдилар.

Бу мусобақа курашчиларимизга яқинлашиб келаётган XIII Осиё ўйинлари олдидан ўзига хос кўрик вазифасини ўтади.

«СПАРТАК» ЯНА ЧЕМПИОН

Футбол бўйича Россия 7-чемпионати ҳам ўз ниҳоясига етди. Рақибларига ўзининг техник, тактик ва жисмоний жиҳатлардан анча устун эканлигини кўрсатган Москванинг «Спартак» жамоаси 6-марта мамлакат чемпиони бўлди.

БУНИ ҚАРАНГ-А...

«АС Бена Чади» ва «Мотема Пенбе» футбол жамоалари Конго биринчилигидаги ўзаро учрашувларини ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай ўтказишга аҳд қилишганди.

Танаффусдан сўнг майдонга кириб келаётган «Бена Чади»нинг 11 ўйинчисини яшин уриб ҳалок қилди. Рақиб жамоадан эса ҳеч кимни «жин» ҳам урмаган.

maydonchasi

QUTLOV

Қадрли ҳамкасбимиз Роҳатой СУЮНОВА!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Кўплаб болаларга онадек доялик қилиш, уларнинг миттигина тасаввурларини кенгайтиришдек эзгу ишингиз самараси ҳамиша кўнглингиздагидек бўлсин. Сизга бу йўлда соғлик-саломатлик, куч-қувват тилаймиз.

Нуробод туманидаги 7-«Ниҳол» болалар боғчаси жамоаси

Qardoshlarimiz ijodidan

Раҳмат шаҳарда яшайди. Буваси эса овулда. Уйда тўрт-бешта қўйи, икки-учта сигири бор. Доимо рўзғор ишлари билан банд. Қўйларининг, сигирларининг тагини тозалаб, уларга сув беради. Шундай қилиб, ҳар бир куни ғимир-ғимир меҳнат билан ўтказади.

Овулга келган Раҳмат бир куни:

— Бува, бир лаҳза бўлса ҳам дам олинг, чарчаб қолдингиз-ку, — деди меҳрибонлик билан.

Киши меҳнатдан ҳоримайди. Ишлаган сари қоришган, увишган бўғинларим ёзилиб, касалдан фориғ бўламан, — дея буваси унинг эътирозига жавоб беради.

Бир куни Раҳмат бувасини ўз ҳолига қўймай шаҳарга олиб кетишга ҳаракат қилди.

— Бува, шаҳарга бориб бироз дам олиб қайтинг. Қачон қарасам юмуш билан бандсиз, — деб қарорида қатъий тургандан сўнг, бувиси ҳам Раҳматнинг сўзини маъқуллади.

Ҳа, нима бўпти? Дам олиб қайтинг. Раҳмат тўғри айтади. Моллардан қўйлингиз тўқ бўлсин. Ўзим қараб тураман. Бора қолинг, буваси.

ОНА ЗАМИН МЕҲРИ

Раҳмат билан буваси шаҳарга йўл олди. Шаҳарда улар истироҳат боғини оралади. Мангу олов ёнида буваси она юртта қайтмаган ўғлонлар ҳамда жангтоҳда бирга бўлган шерикларини ёдга олди.

Бувасининг шаҳарга келганига бир ҳафтага яқинлашиб қолган эди. Бир куни буваси эрталабки нонуштада Раҳматга:

— Болам, мен уйга қайтаман, — деди. – Тушимда туғилган овулим чақирди.

— Бува, туғилган тупроқ инсон каби бўлмаса, у қандай қилиб чақиради?

— Ҳой болам, «туғилган замин оловдан иссиқ» деган гап бор. Унинг муқаддас, бебаҳо тупроғи, майса ва гулларининг муаттар иси, мусаффо ҳавоси, булбулларининг навоси ҳеч қачон ёдингдан чиқади-ми? Асло!

... Буваси кейинги куни овулга қараб йўл олди. Раҳмат ҳам у билан бирга йўлга чиқди. «Мактабга боргунга қадар бувам билан бирга бўламан. Унга ёрдам бераман, бувимнинг қошида бўламан», дея аҳд қилди Раҳмат.

Она заминга олиб боришга шошилгандек, буваси иккаласи ўтирган поезд ҳам бир оҳангидан оғишмай, гўё учиб бораётгандек эди.

Қозоқчадан О. САЙДАҲМЕДОВ таржимаси

Qaydlar

МУАЛЛИМ ҲАҚИДА СЎЗИМ УШБУДИР...

· Ўқувчининг бўш вақти бўлмаса, у турли хилдаги ножўя хатти-ҳаракатларга йўл топмайди.

· Ўқитувчининг дарс ўтишини кузатганда хилма-хил ҳолатга дуч келасиз:

— синфда сокинлик, ҳар бир ўқувчи мустақил фикрлашда давом этмоқда;

— синфда шовқин, мунозара давом этмоқда;

— синфда тартибсизлик, ўқитувчининг билим савияси кундалик талаб меъёридан пастлигидадир.

· Маърифатчининг обрўси — ўқувчисининг бенуқсон тарбия олганлигидадир.

· Мактабдаги таълим-тарбия жараёни сермазмун бўлса, билингки, бу билим маскани ўқувчи ва ота-она хотирасида абадий яшайди.

А.СУЛАЙМОНОВ,
Сирғали туманидаги 237-мактаб директори

Voqea

МУДҲИШ ХАТО

... Баҳор ойлари, қишлоқда иш қайнайди. Бир ёқдан ғўза ягонаси, ёмғирдан қатқалоқ бўлган ерни юмшатиш, далаларни бегона ўтдан тозалаш, иккинчи томондан ипак қуртининг айни тут баргига тўймайдиган даҳа даври.

Синглим Умида билан дарсдан кейин ўқувчилар бригадасида ишлардик. Ғўза чопиқ қилиб, уйга қайтишда сигиримизга бир боғдан хашак йиғиб келардик. Утни ариқ бўйларидан, тут дарахтлари тагидан юлардик.

Бир куни бригадага ёрдамга борадиган бўлиб қолдик. Пахта даласи анча узоқ, темир йўлни кесиб ўтиш керак эди.

Ойим бизга:

— Ўт йиғсанглар аканг велосипедда хабар олади. Тағин шунча йўлга хашак орқалаб юрманглар, — дедилар.

Ўқитувчимиз ажратиб берган ерни ўтдан тозалай деб қолганимизда, Умидага: «Қара-чи, қаерда кўпроқ печак бор экан, яхшироқ майсазор бўлса, мени ҳам чақирарсан, ҳадемай акам келиб қоладилар», — дедим.

У кетди. Ишимни тугатиб, мен ҳам хашак юлишга чоғландим.

Умида қайси томонга кетди экан, дея тутзор оралаб кета бошладим. Кеч киряпти. Қуёш қизариб ботмоқда. Илиқ шабада одамга ором бағишлайди.

Ҳаммаёқда майин ажриқ, печак, ғумай ўтлар. Умида шуларни босиб, қаёққа ғойиб бўлди экан?

Ўзи дадам уни кенжам, деб анча талтайтириб юборганлар-да. Нуқул эркалаб, қаёқдаги нарсаларни кўтариб юрадилар. Яқинда кап-катта қизга ингалайдиган қўғирчоқ сотиб олдилар.

Акам келсалар, нима қурсатамиз, деб бир қучоқ печак юлдим. Хавотирланиб ҳар ёққа аланглаб қўяман. Йўқ, бўлмади. Умидадан хабар олиш керак. Синглимни қидира бошладим. Тут дарахтлари шунча кўпки, кейинги қаторда ким юргани кўринмайди. Тутзорни ўқувчиларнинг шовқини, бақир-чақири тутиб кетган. Узоқдан тут новдаси кесаётганларнинг болтаси тақ-туқ қилади.

Синглимни чақира бошладим:

— Умида, Уми-и-и!

Қичқириғим жавобсиз қолди. Юрагим гупиллаб ура бошлади. Ўқувчилардан анча олислаб кетгандим.

Беш-олти тут қаторидан ўтиб қарасам, синглим букиб йиғлаб турибди. Хурсанд бўлиб кетдим. Унинг йиғлаб ўтириши ажаблантирса ҳам, барибир кўнглим анча таскин топди.

— Хайрият-эй, тур нима қилиб ўтирибсан, тинчликми?

Чанг, ширали қўллари билан кўз ёшини артавериб юзлари кир бўлиб кетган. Йиғидан қовоқлари шишган. Гапиролмайди. Нима бўлганига ақлим етмасди.

— Гапирсанг-чи, нима бўлди, ахир!

Умида икки-уч метр нарини кўрсатиб баттар ҳунграб юборди. Шарт туриб, катта тут дарахти тагига бордим. Бордим-у.. (Шу манзарани ҳали-ҳали эслашга юрагим дов бермайди). Қай кўз билан кўрайки, тутлар орасида қизил адёлга ўралган чақалоқ мурда қотиб ётарди. Ёнида чиройли боғичли сўғич. Бошида оппоқ қалпоқча, чақалоқ белидан шойи зангори ранг лента билан капалак қилиб боғланган.

— Вой-дод! — бор овозда бақириб юборибман.

Олдин қизлар, кетидан ўқитувчимиз Ҳуснинддин ака югуриб кела бошлади. Ҳамма йиғилди.

«Бечора чақалоқ», «Кимники экан-а? «Бу мудҳиш хатони ким қилди экан-а», «Биронтаси атайлаб ташлаб кетганмикан, деган гаплар ёғилди. Пиқиллаб йиғлаган қизлар бурунларини тортишарди. Қулоқларим шангиллаб, ҳеч нарса эшитмадим. Кўзимга ёш келмади.

Шу пайт кўзим қоп билан уроқ кўтарган Мурод акамга тушди. Улар ҳеч нарса тушунмай анграйиб турардилар.

Ўқитувчимиз ҳаммани тинчлантириб, уйга рухсат берди-да, акамни чеккага чақириб, бир нарсаларни тушунтира бошлади.

Ҳуснинддин ака Мурод акамни қаёққадир жўнатиб, бизларни шлагбаум (темир йўлнинг махсус одам ўтадиган жойи)дан кузатди-да, тезда уй-уйимизга етиб олишимизни тайинлади. Сўнгра ўзи орқага қайтди.

Биз уйга келдик. Чамаси икки соатлардан кейин акам қайтдилар. Уларнинг ойимга айтишига қараганда, ўқитувчимиз бизни жўнатгунча акам нариги картада ишлаётган сувчи Имом тоғани чақириб келибдилар. Акам човгимда ариқдан сув келтирибди, Имом тоға чақалоқни ечинтирипти, қўлоёғини ювибди. Уч кишилашиб, чақалоқни бир чеккадаги дўнгликка кўмишибди.

Шўрлик гўдак ўғил бола экан. Акам гапира туриб, қуйилиб келаётган кўз ёшларини яшироолмасди.

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Янгийўл туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси жамоалари, Юқоричирчиқ тумани халқ таълими бўлими мудири Тоҳир Норматовга волидаи муҳтарамаси **Ҳадича она ЭГАМБЕРДИЕВА** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58.

Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Рустам БОЙМАТОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0501.
Тиражи 25.000. Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди-19.30.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул Нарманов саҳифалади